



«Жума Элеватори» АЖнинг  
2016 йил 29 июнь куни  
«Жамият акциядорларининг  
умумий йиғилишида  
ТАСДИКЛАНДИ»

**«ЖУМА ЭЛЕВАТОРИ» АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИНИНГ  
2016 ЙИЛ УЧУН ИШЛАБ ЧИКАРИШНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**БИЗНЕС РЕЖАСИ**

2016 йил

Жума шахри

# М У Н Д А Р И Ж А

## I БУЛИМ

- 1.1. Корхонанинг умумий паспорт маълумотлари;
- 1.2. Корхона тўғрисида умумий маълумот;
- 1.3. Жамиятнинг ижро этувчи органи аъзолари руйхати;
- 1.4. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг руйхати;
- 1.5. Жамиятни тафтиш комиссия аъзоларининг руйхати;
- 1.6. Корхонанинг 3-йиллик иқтисодий кўрсаткичлари;
- 1.7. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иқтисоси;
- 1.8. Асосий технологик жараён;
- 1.9. Маркетинг.

## II БУЛИМ

- 2.1. Корхонанинг 2016 йилдаги асосий вазифалари;
- 2.2. Корхонанинг 2016 йил давомида режалаштирилган даромадлари тўғрисида;
- 2.3. Корхонанинг 2016 йил давомида режалаштирилган харажатлари тўғрисида;
- 2.4. Корхонанинг 2016 йилда ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижалари тўғрисида.

# I. БУЛИМ

## 1.1 КОРХОНАНИНГ УМУМИЙ ПАСПОРТИ МАЪЛУМОТЛАРИ

«Жума Элеватори» акциядорлик жамияти

Қискартирилган номи: «Жума Элеватори» АЖ  
Мулкчилик шакли: акциядорлик жамияти  
Ҳуқуқий манзили: Ўзбекистон Республикаси

Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Жума шаҳар Фитрат кўчаси № 2 уй  
Телефонлар: 46-5-15-27, факс. 8366-465-15-27 e-mail: deponent.uz,

Банк реквизитлари:  
Ҳисоб рақами: 20208000700193796001  
МФО: 00273  
ИНН: 201818683  
ОКНХ 81100  
«Агробанк» Жума филиали

**Мулкнинг тақсимоти:** Корхонанинг Низом жамгармаси 826814000 сум миқдорда ва ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1975 сум булган 418640 дона акциядан иборат.

Низом жамгармаси улушлар буйича қуйидагича тақсимланади.

- «Давлат активларини бошқариш маркази» Давлат унитар корхонаси улуши 217526600 минг сумлик 110140 дона оддий акциялар Низом жамгармасининг 26,31 фоизи
- «Уздонмахсулот» АК (компания устав фондига тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилган давлат улуши) 37,58 фоиз, 310738600 (уч юз ун миллион етти юз еттиз саккиз минг олти юз) сумлик 157336 (бир юз эллик етти минг уч юз уттиз олти) дона эгасини номи езилган оддий акция;
- Бошка акциядорлар улуши 36,11 фоиз 298548900 (икки юз туксон саккиз миллион беш юз қирк саккиз минг туқиз юз) сумлик 151164 (бир юз эллик бир минг бир юз олтмиш тўрт) дона эгасининг номи езилган оддий акция
  - Корхона фаолиятини узининг Низоми буйича амалга оширади, корхонанинг фаолият курсатиш муддати чекланмаган.

## 1.2 КОРХОНА ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

«Жума Элеватори»ни қурилиши 1975 йилда тугатилиб, 1977 йилда ишга тушган. Умумий ер майдони 8,34 г. Элеваторни дон сақлаш сифими ҳажми 113 минг тонна, бундан ташқари корхонада 5 та маҳсулот сақлаш омбори мавжуд. Ҳар бирининг қуввати 3 минг тоннадан 21 минг тонна, электромеханик цехи, маъмурият биноси, ошхона, нонвойхона, суткасига 50 тонна ун ишлаб чиқарадиган тегирмон бинолари, омукта ем ишлаб чиқариш цехи ва Биолаборатория мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни куллаб қувватлаш қумитаси Самарқанд вилояти буйича ҳудудий бошқармасининг 1995 йилда 12-июн № 530-11-сонли буйруғига асосан «Жума Элеватори» акциядорлик жамияти деб номланган. «Жума Элеватори» АЖ нинг 1995 йил 31-мартда бўлиб ўтган умумий йиғилиш қарорига асосан таъсис этилган.

Жамиятни акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органидир.

Жамият ҳар йили камида бир марта акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказди.

Жамиятни ижро этувчи органи ваколатига жамиятнинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари киради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

### Жамият мулки. Устав фонди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни куллаб-қувватлаш Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасининг буйруғига асосан «JUMA ELEVATORI» акциядорлик жамиятининг низом жамгармасини, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иктисодиёт реал сектори корхоналарнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 декабрдаги 316-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қумитаси ҳузуридаги «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғини бажарилишини таъминлаш мақсадида жамиятнинг устав жамгармаси миқдорини эквиваленти камида 400 минг АКШ долларига

тенг суммага етказиш қайд этилиб, жамият акциялари номинал кийматини 1975 сўмга етказиш ҳисобидан жамиятни Устав фондининг миқдори 826 814 000 сўмни ташкил этиб, 418640 дона овоз берувчи акция сонидан иборат бўлиб, таъсисчилар улушига мутаносиб равишда тақсимланган.

**Низом жамгармаси улушлар буйича қуйидагича тақсимланади:**

Давлат улуши 217534763.4 минг сумлик 110140 дона оддий акциялар Низом жамгармасининг 26.31 фоизи,

«Ўздонмаҳсулот» АКнинг улуши 310716701.2 минг сумлик 157336 дона акциялар низом жамгармасининг 37.58 фоизи

Бошка акциядорлар улуши 36.11 298562535.4 минг ёки 151164 дона акция.

Корхона фаолиятини узининг Низоми буйича амалга оширади, корхонанинг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган.

### 1.3 ЖАМИЯТНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ АЪЗОЛАРИНИНГ РУЙХАТИ

№	Фамилияси ва исми шарифи	Иш лавозими	Акция сони (дона)	Киймати (минг сум)	Низом жамгармага нисбатан %
1	Б.Нортаев	Бошқарув раиси	0	0	0
2	И.Мустафоев	Бош муҳандис	112	909,4	0,11%
3	М.Шодиёров	Бош ҳисобчи	0	0	0
4	Б.Боймирзаев	Кадр булим бошлиги	0	0	0
5	Б.Буранов	Иктисодчи	0	0	0

Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун билан фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

### 1.4 ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ РУЙХАТИ

№	Фамилияси ва исми шарифи	Иш лавозими	акция сони, дона	Киймати (минг сум)	Низом жамгармасига нисбатан %
1	Ш.Исломов	«Ўздонмаҳсулот» АК вакили	39334	310738,6	37,58%
2	К.Примов	«Ўздонмаҳсулот» АК вакили			
3	А.Ахроров	«Ўздонмаҳсулот» АК вакили			
4	Х.Гафаров	«Ўздонмаҳсулот» АК вакили			
5	Ф. Эшқобилов	Файкон АЖ	31614	62437,6	7,44%
6	С. Аҳмедов	Нафақада	680	5374,2	0,65%

7	А. Туронов	Самарканд вилоят хокимлиги мутахасиси	—	—
---	------------	--	---	---

Жамиятни тафтиш комиссияси аъзолари жамиятнинг молиявий хужалик фаолиятини назорат қилиш учун Жамият низомига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади.

### 1.5 ЖАМИЯТНИ ТАФТИШ КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ РУЙХАТИ

№	Фамилияси ва исми шарифи	Иш лавозими	Акция сони, дона	Киймати (минг сум)	Низом жамгармасига нисбат %
1	Ж. Тожиев	Касб хунар Коллеж хисобчиси	30	2480,4	0,03%
2	Д. Мирзаева	Солиқ ходими	75	5787,6	0,07%
3	Ш.Норбоев	Самарканд ракобат кумитаси худудий бошкармаси мутахасиси	—	—	—

«Жума Элеватори» АЖ асосан тайёрлов ташкилоти бўлганлиги сабабли Пастдаргом туман фермер хужаликлари контрактация шартномаси асосида дон маҳсулотларини, вилоят дон маҳсулотлари корхоналаридаги очик майдонлардан галларни ва вилоят дон маҳсулотлари корхоналаридан келтирилган ун, гуруч, омухта ем маҳсулотларини қабул қилиш, уларни сақлаш ва юқори ташкилотларни тақсимотига асосан ташкилотлар ўртасида тузилган шартнома ва буюртмалар буйича сотишдан иборат. Сотиладиган дон маҳсулотига белгиланган 3 фоиз, ун маҳсулотларини биржа орқали улгуржи нархларда сотилганда тан нарх билан сотиш ўртасидаги фарқ сумма корхона фойдаси ҳисобланади.

Бундан ташқари жамиятда Давлат дон захирасидаги ва суғурта фондидаги галла сақланади. Жамиятда суткасига 50 тонна буғдойни қайта ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тегирмон мавжуд ва ун ишлаб чиқарилмоқда. Суткасига 50 тонна ем ишлаб чиқариш қувватига эга омухта ем цеҳи мавжуд.

### 1.6. Корхонанинг 2-йиллик иқтисодий кўрсаткичлари

Жамият 2014-2015 йилларда тасдиқланган бизнес режа асосида фаолият юритган булиб куйидагича молиявий курсаткичларга эришилган :

2014 йил якуни буйича ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотишдан тушган маблаг 22238,4 миллион сумни ташкил этди. Ушбу маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар яни таннарх 20456,7 миллион сум, ялпи даромад 1781,7 миллион сумни ташкил қилган . Ушбу олинган даромад ҳисобидан маҳсулот сотиш харажатлари -129,0 миллион сум, Администрасия харажатлари 274,4 миллион сум ва бошқа операцион харажатлар 1416,6 миллион сумни ташкил этган. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 122,0 миллион сумлик даромад келган. 2014 йил асосий фаолият фойдаси 83,8 миллион сумни ташкил этди, Ушбу олинган фойдадан даромад солги ва фойдадан бошқа солиқлар –йигимлар учун 17,0 миллион сум ҳисоблангандан кийин қолган соф фойда 66,7 миллион сумни ташкил этган булиб. Ташкилотнинг рентабиллик даражаси 0,4 % ни ташкил этган.

2015 йил якуни буйича ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотишдан тушган маблаг 23926,5 миллион сумни ташкил этди. Ушбу маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар яни таннарх 21438,3 миллион сум, ялпи даромад 2488,2 миллион сумни ташкил қилган . Ушбу олинган даромад ҳисобидан маҳсулот сотиш харажатлари -189,6 миллион сум, Администрасия харажатлари 437,6 миллион сум ва бошқа операцион харажатлар 2791,0 миллион сумни ташкил этган. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 990,7 миллион сумлик даромад келган. 2015 йил асосий фаолият фойдаси 60,6 миллион сумни ташкил этди, Ушбу олинган фойдадан даромад солги ва фойдадан бошқа солиқлар –йигимлар учун 30,9 миллион сум ҳисоблангандан кийин қолган соф фойда 30,8 миллион сумни ташкил этган булиб. Ташкилотнинг рентабиллик даражаси 0,14 % ни ташкил этган.

### **1.7 КОРХОНАНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КУРСАТИШ ИҚТИСОСИ**

Жамиятни тасдиқланган низомининг 3 моддасида кўрсатилган фаолият турларидан:

- ун маҳсулотлари, халқ исътемомол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш, турли корхона, ташкилот ва фуқароларга турли хизматлар курсатиш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларида етиштирилган дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш;

-галла екинлар донини тайёрлаш ва экиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларига етказиб бериш;

-ун ва ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва корхона, ташкилот ва аҳолига етказиш;

-омухта ем ишлаб чиқариш;

-биолобараториялар ташкил этиш ва биомаҳсулотлар етиштириб сотиш

-қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, кадоклаш ва сотиш;

-чорвачилик ва паррандачилик фаолияти, чорва ва парранда ўстириш ва сотиш;

-ишлаб чиқарувчи ва исьтемомчилар билан бевосита ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, тижорат воситачилик хизматларни амалга ошириш;

-Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

-Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан ман этилмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланади.

Жамиятнинг ишлаб чиқаришига таълуқли қўйидаги дон сақлаш:

Жамият асосан тайёрлов ташкилоти булганлиги сабабли:-1977 йилда 113 минг тонна галла сақлаш сизими мавжуд булган элеватори ишга тушган.

Жамият 15 000 тонна галла ёки тайёр маҳсулот ҳамда моддий бойликлар сақлаш сизимига эга 6 дон омборхонага эга.

Жамиятда нон ишлаб чиқариш цехи мавжуд.

Тегирмон суткасига 50 тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга.

Жамиятда биолобаратория ташкил этилган

Ёрдамчи цех, тахлилхона, темир йул ва автотранспорт тарозилари мавжуд.

Омухта ем ишлаб чиқариш цех, суткасига 50 тонна ишлаб чиқаради.

Нон ишлаб чиқариш цех, суткасига 1900 кг нон ишлаб чиқаради.

Ер ости сув чиқарувчи башни мавжуд.

**Жамиятда ишлатиладиган асбоб ускуналар қўйидагилардан иборат:**

№	Номлари	Улчов бирлиги	сони	Маълумоти, Квт
1	Гуар Автоагдаргич	Дона	1	8,8
2	КШП-5	Дона	2	10,3
3	Кучма узатувчи транспортёр ленталар	Дона	4	16
4	Шнек	Дона	2	8
5	Нория НЦГ-175	Дона	8	330



6	Сеператор БИС-100	Дона	2	18
7	Тепловоз ТГК-2	Дона	1	
8	Тегирмон ускуна жихозлари	Дона	50	430
9	Омухта ем цехи	Тн/сут	30	330
10	Хлебопекарник WACHTEL	Дона	1	18,8

## 1.8 АСОСИЙ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН

Туман хужаликлари ва Дон корхоналаридан автотранспорт (вагон)лар билан дон келтирилади. Биринчи навбатда хужаликдан келтирилган дон хужаликнинг ишончли вакили томонидан юк хати оркали дон келтирилиб тахлилхона тахлилчиларига мурожаат килади. Корхона тахлилхона мудирини ёки тахлилчилар томонидан келтирилган дон кайси хужалик ёки фермер хужалигидан келтирилганлиги, кайси нав эканлигини аниқлаш учун автомашинадан (агар хужалик 1-кун 1 маратоба дон келтирган булса намуна 2 кг дан кам булмаган микдорда) намуна олинади. Олинган намуна оркали олиб келтирилган дон бугдой ёки арпа эканлиги аниқланиб хужжат билан танишилади. Кейин ушбу дон кайси синфга мансублиги аниқланиб, кайси урага ёки силосга тушушини хужалик юк хати оркасига курсатиб ёзиб беради ва уз имзоси билан тасдиқлайди. Кейин ушбу юк хати оркали хужалик ва фермер хужалик олиб келган донни корхонани кириш дарвозасига йуналтирилади. Сокчилар томонидан махсулотни бор йуклигини текшириб куриб уз махсус китобларига руйхатга олади ва машинани автотранспорт торозиси томон йуналтиради. Корхона моддий жавобгар шахс томонидан ушбу юк автотраспорти тарозиси оркали тортиб яъни умумий хажми тортиб уз китобига руйхатга олиб юк хатига умумий хажми ёзиб куяди. Кейин автомашина тахлилхона томонидан курсатилган ура ёки силосга тукилади ёки мавжуд булган гуварга тукилиб узатиш ускуналари оркали элеватор силосларига йуналтирилади. Юк тукилгандан кейин буш автомашина кайта автомобиль торозисига келади. Моддий жавобгар шахс томонидан буш автомашина тараси улчаниб уз вазни аниқланиб уз китобига кайд килинади ва юкни топширувчи ишончли вакил томонидан торози дафтарига уз имзоси билан хакикатда юкни топширгани хакида имзоси билан тасдиқлайди. Кейин буш автомашина корхона чиким дарвозасига келиб сокчилар томонидан юк бор ёки йуклиги текшириб курилиб, фактурага кайд килинган юк вазни сокчилар китобига руйхатга олинади ва автомашинани дарвозадан чиқариб юборилади ва юк хатига кайси вақтда чиқарилгалиги хакида ёзиб уз имзоси билан тасдиқлайди.

ГУАРга тукилган дон электр дон мосламалари оркали тугридан тугри элеватор силосларига жойлаштирилади. Жойлаштирилган донлар тахлилхона тахлилчилари томонидан ДКТЭ-4 галла хароратини улчайдиган улчагич мосламалари оркали хар 5-15 кунда галла харорати текшириб турилади. Агар

галла намлигида узгариш булса тахлилхона мудирини томонидан элеватор булим бошлигига галлани 1 силосдан 2 чи силосга утказиб шомаллатиш хакида фармойиш беради.

Шомаллатиш жараёнида галла БИС-100 сеператорда эланиши натижада галладан ярокли ва яроксиз бугдой чикиндилари ажратиб олиниб галла сифат курсаткичлари яхшиланади.

Галлани сифат курсаткичларини яхшилашда элеваторда мавжуд булган нориялар, асперациялар тулик хажмда иш бажаради.

Галла темир йул оркали бошка ташкилотларга ортилганда корхонада мавжуд булган тепловоз оркали вагонларни темир йул йуналиши буйича темир йул тарозисига етказиб берилади ва юк тортилган вагон асосий темир йул йулагига тугрилаб куйилади.

## **1.9 МАРКЕТИНГ**

«Жума Элеватори» АЖ тайёрлов ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланганлиги сабабли кабул қилинган дон ва ун, гуруч, омукта ем, нон махсулотларини «Узбексавдо», «Узбекматбуотсавдо» «Узпарранда», «Узгуштсаноат» корхоналарига биржа ва юкори ташкилотлар нарядига асосан сотади. Бугдой ва арпа дон махсулотлари асосан Республика дон махсулотлари корхоналарига катъий таксимот асосида, бундан ташқари «Уздонмахсулот» АК нинг рухсатига асосан хорижий давлатларга экспорт қилиш йуллари билан сотилади.

Сотиладиган бугдой, арпа, ун, гуруч махсулотлари давлат томонидан белгиланган нархларга курсатилган фоизларни қуйиб сотилади. Жамиятда ишлаб чиқариладиган ун биржа оркали сотувга қуйилади, бундан ташқари давал хом ашёси кабул қилиниб ун ишлаб чиқарилади.

2016 йилда Пастдаргом тумани фермер хужаликлардан 41636 тонна галла кабул қилинади.

## **II БУЛИМ**

### **2.1 «ЖУМА ЭЛЕВАТОРИ» НИНГ 2016 ЙИЛДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

Туман хужаликлари билан тузилган шартномалар асосида донни сифатли кабул қилиш ва сифатли саклаш.

Вилоят дон махсулотлари корхоналарида очик сигимлардаги галлаларни элеваторга кабул қилиш.

2016 йил галла хосили етиштириш учун, туман фермер хужаликларини уруглик билан вилоят дон корхоналаридан келтириб таъминлаш.

Давлат захирасидаги ва сугурта фондидаги галлани сифат курсаткичларини сифатли қилиб давлат стандартларига мос келадиган тарзда саклаш.

Вилоят ун ишлаб чиқарадиган Дон корхоналари «Уздонмахсулот» АК нинг таксимоти асосида галаларни уз вақтида жунатиш.

Жамиятнинг ун ишлаб чиқарадиган тегирмонини тулик қувват билан ишлашни таъминлаш натижасида купрок ун ишлаб чиқариш жамиятнинг молиявий фаолиятини яхшилаш.

Омухта ем ишлаб чикариш цехида купрок махсулот ишлаб чикариш учун хом ашё захирасини яратиш.

Жамият қошида нон ишлаб чикариш цехи курилиш кузда тутилган.

## 2.2 КОРХОНАНИНГ 2016 ЙИЛ ДАВОМИДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ВА СОТИШ ХИСОБИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАРИ

«Жума Элеватори» акционерлик жамияти асосий даромадлари галлани саклаганлиги ва саклаган галлага 3% устама нарх куйишдан, Ун ишлаб чикариш ва сотиш хисобидан фойда олишдан иборатдир.

Дон махсулотлари сотиш буйича.

Жамиятда 2016 йилда вилоят ва вилоятдан ташкаридаги турдош корхоналарга давлат ресурсидаги галладан 29 000,0 тонна бугдой сотилганда олинадиган даромад суммасини аниқлаш;

Бир тонна 3-синф бугдойнинг нархи 460 сум булиб жами турдош корхоналарга сотиладиган галланинг таннархи ( $29\,000 \times 460 = 13\,340\,000,0$ ) 13 340 000,0 минг сумни ташкил килади.

Корхонамиз томонидан сотиладиган дон махсулотларига 3 % устама нарх куйиб сотиш натижасида даромад олади. Агар сотиладиган 29 000 минг тонна бугдойни бир тоннасини бугдой таннархига 3% устама баҳо кушиб сотганимизда 1 тонна бугдойнинг сотиш баҳоси 460 сумни ташкил килади. Сотиладиган доннинг киймати ( $29\,000 \times 473,8 = 13\,740\,200,0$ ) 13 740 200,0 минг сумни ташкил килади. 29 000 минг тонна бугдойни сотганда олинадиган даромад ( $13\,740\,200,0 - 13\,340\,000,0 = 400\,200,0$ ) 400 200,0 минг сумни ташкил килади.

### Ун ишлаб чикариш буйича

Жамиятда мавжуд булган суткасига 50 тонна бугдойдан ун ишлаб чикарадиган тегирмон ишлаб чикариш куввати буйича тулик ишласа, 2016 йил давомида 12 000 тонна галла ун ишлаб чикаришга сарф булади. Натижада 10 500 тонна ун ишлаб чикарилади. 14000 тонна галлани ишлаб чикариш хисобидан олинадиган ун махсулотлари сотишдан тушум куйидагилардан иборат.

Микдор	улгуржи нарх	Сумма (минг сум)
Ун 1 нав	75 %	10500 тонна x 980= 10 290 000,0
Кепак	21,5 %	3010 тонна
Чикинди	2,70 %	378 тонна
Яроксиз чикинди	0,8 %	112 тонна
Омухта ем чикариш		3500 тонна x 635=2222500,0
Жами:-		12 222 500 м.сум

Бир йилда 300 иш куни, бир ойда эса 25 иш куни. Тегирмон 2016 йил тулик кувват билан ишлаганда суткасига 40,0 тонна бугдой дан 30,0 тонна ун махсулоти олинади.

Суткасига 46,6 тонна x 25 иш куни = 1166 тонна бугдойдан бир ойда 35 тонна x 25 иш куни =875 тонна ун ишлаб чикарилади.

Бир ойга 1166 тонна x 12 = 14000 тонна бугдойдан 2016 йилда 10500 тонна ун ишлаб чикарилади.

Ушбу тегирмонга ун ишлаб чикаришга берилган 14000,0 тонна бугдойни ишлаб чикариш учун 1 тоннага боглик булган харажатлар таннархи (сумда)

А) Бугдойни сотиб олиш бахоси $14000 \times 460$	6440000,0
Б) Иш хаки	292071,0
В) Иш хакидан ажратмалар	73017,7
Г) Электр энергия харажатлари	106822
Д) Халта харажатлари $9000:50 \times 400$	72000,0
Е) Ип харажатлари	8000,0
Ж) Иш хаки кушимча ва мукофотлар	146000,0
З) Тегирмон эскириш киймати	99695,0
И) Мол мулк солиги	80204,0
Й) Транспорт харажати	16446,0
К) Солик туловлар	98605,0
Л) Бошка харажатлар	135684,0
Жами харажатлар ККС сиз:-	7469939,7
Кушимча киймат солиги	1493987,9
Умумий ишлаб чикариш таннархи	8963927,6 сум

2016 йилда ун махсулотлари сотишдан  $(12\ 222\ 500 - 8\ 963\ 927,6 = 3\ 258\ 572,3)$  3258572,3 минг сум даромад олинади.

#### Нон ишлаб чикариш буйича

Нон цехи бир кунда 1,9 тонна нон ишлаб чикириш кувватига эга 300 кун да  $1,9 \times 300 = 570,0$  тонна нон махсулотлари ишлаб чикаради. Хар бир тонна нон махсулотлари ишлаб чикриш харажатлари .

А) Иш хаки харажати	150884 сум
Б) Ажратма	47721 сум
В) Ун I сорт	$750 \times 843 = 632250$ сум
Г) Туз	$9,7 \times 600 = 5820$ сум
Д) Дрож	$1,5 \times 20000 = 30000$ сум
Е) Усимлик мойи	$1,9 \times 3300 = 6270$ сум
Ж) Табий газ	22000 сум
З) Эл. Энергия	16803 сум
Бошка харажатлар	2700 сум
Жами харажатлар	914448 сум

Яъни харажатлар 972448 сумни ташкил килса 1 дона (600гр буханка) нон таннархи 550,9 сумни такил этади . 1 дона нон 650 сумдан сотилганда 99,1

сум даромад келтиради . 570 тонна нон ишлаб чиқарилганда 93768,4 минг сум даромадолинади .

#### Жамиятнинг бошқа жараёнлардан даромадлари

- Омукта ем ишлаб чиқариш.
- Жамиятимизда мавжуд булган Кишлоқ қурилиш банкнинг 278435 дона қиймати 100 сумлик 33787,0 минг сумлик акциясини 2016 йил якуни буйича 12960,0 минг сум даромад олинади.
- Туман хужалиқларидан қабул қилинадиган галлани қуришиш ва тозалаш учун ушлаб қилинадиган туловлар ҳисобидан 400200,0 минг сум даромад олинади.
- Жамиятда нон ишлаб чиқариш цехи 2016 йилда 93768,4 минг сум фойда олиш қузда тутилган.

Жами даромадлар (3 258 572,3+400 200+60 990+12 960) = 3 731 822,3 сумни ташкил қилади.

### 2.3 ЖАМИЯТНИ 2016 ЙИЛ ДАВОМИДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРИ

#### "Жума элеватори" акциядорлик жамияти

#### ШТАТЛАР ЖАДВАЛИ

№	Жамият бўлинмалари	Ходимлар сони	Ойлик иш хақи фонди
1	Рахбарият	6	6300099
2	Мутахасислар	10	8615506
3	Тех ходимлар	7	4963966
4	Тегирмон цехи	28	18051130
5	Элеватор бўлими	31	18289989
6	Тахлилхона бўлими	7	4881917
7	Транспорт бўлими	8	5501468
8	Механизация цехи	12	7313955
9	Электр цехи	6	3957472
10	Бошқалар	12	7622036
11	Омукта ем ишлаб чиқариш цехи	7	3920745
12	Куриқлаш бўлими	13	9211352

13	Кишлок хужалиги булими	2	1722945
14	Нон цехи	19	11260935
15	Биолабаратория	8	4730054
<b>Жами:</b>		<b>176</b>	<b>120567314</b>

Жамиятда 2015 йилда жами 168 нафар ходим 8 биолабаротория ходими фаолият кўрсатган бўлиб, уларга 1217,7 млн сўм ойлик иш ҳақлари туланган.

Жамиятни 2016 йил давомида ишлаб чиқариш талабларини кондиритиш учун сотиб олинган товар моддий бойликлар

№	Бажарилган ишлар	Улчов бирлиги	Сони	Киймати (минг сўм)
1)	Трактор Тележкеси	Дона	1	30000,0
2)	Автосамасвалы	Комп	1	100000,0
<b>Жами:</b>				<b>130000,0</b>

**Корхонанинг 2016 йил хисобот йилида қилинган  
давр харажатлар  
СМЕТАСИ**

№	Харажат турлари	Суммаси (минг сўм)
1	Иш хақи	1446807,6
2	Иш хақи фондидан ажратмалар	361701,9
3	Сафар харажатлари	20 500,0
4	Сугурта туловлари	5 500,0
5	Ишчиларни малака ошириш харажатлари	4500,0
6	Аудит хизмати учун	4 000,0
7	Дезинфекция хизмати (маъмурий бино)	8 125,0
8	Алоқа хизмати	4 600,0
9	Табий газ хизмати	38382,0
10	Газета, эълонлар, обуналар	6 000,0

11	Тахлилхона жихозларини шаходатлаш	6 060,0
12	Электр асбоб ускуналарини куриқдан утказиш	8 170,0
13	Корхона 7 та омборини химиявий ишлов бериш	6000,0
14	Мавсумда ёнгин хавфсизлиги жихозларини таъмирлаш	6000,0
15	Корхона асфалт майдонларини таъмирлаш	5 000,0
16	Ичимлик сувини тахлилдан утказиш	8 100,0
17	Куриқлаш булими хизмати	139231,2
18	Ишчи хизматчилар ходимларини фарзандларни дам олиш оромгохига юбориш	12 000,0
19	Компьютер ва принтерларни таъмирлаш	5 650,0
20	Асосий воситаларни эскириш киймати	290 560,0
21	Галла мавсумида плакатлар ва ёзувларни таъмирлаш	16 790,0
22	Автотранспортларни таъмирлаш	41 310,0
23	Ёкилги мойлаш материаллари	6560,0
24	Моддий ёрдам	41 360,0
25	Мавсумда ишчи хизматчиларни бепул иссик овкат билан таъминлаш.	18606,0
26	Байрам дастурхони ва совгалар учун	5070,0
27	Ёзув когозлари ва бланкалар	12 310,0
28	Шартнома бланкалари	63560,0
29	Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни хисобдан чиқариш	31360,0
30	Банк хизмати учун	31360,0
31	Электро энергия хизмати	277176,7
32	Сертификатлаш хизмати	13 075,0
33	Экспертиза хизмати	6035,0
34	Госинспекция карантин хизмати	2460,0
35	Божхона хизмати	22150,0
36	Хумо пломба харажатлари	19760,0
37	Брокерлик хизмати	14370
38	Газация хизмати	125 000,0

39	Автопагрузчик хизмати	24015,0
40	Бошка харажатлар	73135,0
41	Жами солик туловлари	653037,0
42	Сотишдан 1,6 % ажратма	44185,0
43	Йул фонди 1,4% ажратмаси	100209,0
44	Мақтаб укув муассасаларини ривожлантириш тулови	32999,0
45	Ер солиги	73528,0
46	Сув солиги	3615,0
47	Мол мулк солиги	74 078,0
48	Бошка соликлар	324463
	Жами:	3228774,4

Жамиятда 2016 йил давомида жами булиб 3228774,4 минг сўм харажат қилиш режалаштирилган.

Жамиятда 2016 йилда самарадорлик даражаси куйидагича аниқланади.

	503047,6	
Самарадорлик даражаси	-----	X 100=13,4%
Ялпи оборотга нисбатан	3731822,3	

	503047,6	
Самарадорлик даражаси	-----	X 100 = 15,5 %
Махсулот таннархига нисбатан	3228774,0	

Жамиятда 2016 йилда тулик фойда олиш имконияти мавжуд.

Жамият 2016 йил хисобот йил якуни буйича олинадиган соф фойда 503 047,6 минг сумфойда олиш режалаштирилди.

«Жума Элеватори» АЖ  
бошқарув раиси:- в.в.б

Б.Нортаев

Бош муҳандис:-

И.Мустафоев

Бош ҳисобчи:-

М.Шодиёров

Бош иқтисодчи:-

Б. Буранов

Кадрлар булим бошлиг:-

Б. Боймирзаев

